



**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИ ТОМОНИДАН
ЎҒРИЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ФАОЛИЯТИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Ғаниев Фаррух Тахиржанович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси ва
криминология кафедраси ўқитувчиси
+998 91 611-73-73

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7336491>

ARTICLE INFO

Received: 07th November 2022

Accepted: 15th November 2022

Online: 18th November 2022

KEY WORDS

Ўғрилик, профилактика
инспектори, олдини олиш,
гиёҳвандлик, талончилик.

ABSTRACT

Ушбу мақолада ўғрилик жиноятларининг турлари, сабаблари, профилактика инспекторининг ўғрилик жиноятларини профилактикаси бўйича фаолиятини ташкил этиш жараёнидаги муаммолар, шунингдек, ўғрилик жиноятларини профилактикасини ташкил этиш бўйича маъмурий ҳудудда ташкил этилиши лозим бўлган профилактик тадбирлар ёритиб берилган.

Ўғрилик талон-тарожнинг энг кўп тарқалган шакли бўлиб, унинг фош этилиши фоизларининг пастлиги, яширин равишда содир этилиши унинг ҳам очилишини қийинлаштиради, шу билан бирга ушбу жиноятнинг профилактикасида жамиятда мавжуд бўлган ва ҳал этилмаган ижтимоий-иқтисодий муаммолар самарадорликка салбий таъсир кўрсатади.

Ўғрилик жиноятининг профилактикаси объекти ўзганинг мол-мулкни муҳофаза қилиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлардир. Шу боисдан, энг аввало ўғрилик жинояти профилактикасида мол-мулк эгалари бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг хушёрлигини ошириш, уларнинг мол-мулкларини қўриқланишини яхшилаш борасидаги ишларни яхшилаш муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, ўғрилик жиноятлари профилактикасини ташкил

этиш ва амалга оширишда профилактика инспекторларининг фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, профилактика инспекторлари ўзлари хизмат кўрсатадиган маъмурий ҳудудларда жойлашган корхона, ташкилот ва муассасалар, истиқомат қилаётган фуқароларнинг мол-мулкни қўриқланишини ва талон-тарож қилинишини олдини олишда кенг қамровли профилактик тадбирларни ташкил этиши ва амалга оширишга маъсул мансабдор шахсдир.

Албатта, профилактика инспекторларининг ўғрилик жиноятлари профилактикаси бўйича фаолиятини ташкил этишда ушбу жиноятларнинг сабаблари ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга алоҳида эътибор қаратиш шарт.



Таҳлиллар асосида ўғрилик жиноятларининг қуйидаги асосий сабабларини келтириб ўтиши лозим:

– ижтимоий–иқтисодий муаммолар, яъни бунда аҳолининг аксарият қисмининг ишсизлиги, кам таъминланган оилалар, шу жумладан ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган оилаларни қўллаб қувватлар борасидаги камчиликлар;

– маъанивиятида камчиликлар, хусусан, енгил пул ва бойлик топиш илинжида бўлган аҳоли қатламининг мавжудлиги, шунингдек енгил ҳаёт кечириш, ўйин кулгуга мойил бўлган енгил табиатли шахсларнинг шаклланиши;

– гиёҳвандлик ва сурункали алкоголизм каби иллатларнинг пайдо бўлиши, бу тоифа шахсларнинг оғир меҳнат қила олиш қобилиятларининг йўқлиги ва натижада уларда осон йўл билан пул топишга бўлган ҳоҳишнинг мавжудлиги;

– бошқарув соҳасидаги камчиликлар, хусусан аҳолини иш билан таъминлаш чораларини кўрилмаслиги, давлат бошқарув органларида айрим шахсларнинг коррупция билан боғлиқ жиноятларга йўл қўйиши ва ҳоказо¹.

Шунингдек, жабрланувчилар виқтим хулқини ҳам киритиш даркор², яъни, ўғрилик жиноятининг қурбони бўлган шахсларнинг аксарияти ўзларининг мол-мулкларини қаровсиз қолдирганликлари ёки уларга бепарволик билан муносабатда

бўлганликларини, шу билан бирга айрим ҳолларда улар ўзларининг бойликларини ошқора бошқаларга кўз-кўз қилганликлари аниқланган.

Шу боисдан ўғрилик жиноятларини олдини олишда нафақат жиноятчиларга қарши кураш балки фуқароларнинг хушёрлигини ошириш, ўз мол-мулкига эътиборли бўлишлари ва уларни қаровсиз қолдирмасликларини тушунтириш, ушбу йўналишда тарғибот ишларини амалга ошириш ҳам мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари ўғрилик жиноятлари профилактикасини самарали ташкил учун профилактика инспекторлари томонидан аввал маъмурий ҳудудда қайси турдаги ўғриликлар, қаерларда, куннинг қайси вақтларида содир этилганлигини таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, ўғриликларнинг объекти хусусиятига кўра қуйидаги ўғрилик жиноятларини *хонадонларда содир этиладиган ўғрилик; мол ўғрилиги, кўчаларда содир этиладиган ўғрилик, транспорт воситаларидаги ўғрилик, автотранспорт ўғрилиги, киссавурлик, яъни чунтакдан пул ва буюмлар ўғрилиги, савдо дўконлари ва омборхоналарда содир этиладиган ўғрилик* каби турларга ажратиш мумкин.

Ўғриликларнинг турларига қараб уларнинг содир этилиши механизми, вақти, жойи бир биридан фарқланади.

Шунингдек, ўғриликларнинг латентлиги ҳам юқрои бўлиб, айрим фуқаролар ўғриланган мол ва буюмларини арзимас ҳисоблаб, ички ишлар органларига мурожаат этмайди. **В.В.Лунеев фикрига кўра**, амалдаги жиноятчилик, одил судлов хабардор

¹ Криминология. Махсус қисм: Дарслик / И. Исмаилов, Қ.Р. Абдурасулова ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 744 б.

² Кузнецова Н.Ф. Проблемы криминологической детерминации. – М., 1984. – С.44.



бўлган жиноятчилик сонидан, улар хабардор бўлган жиноятчилик эса – расмий рўйхатга олинаётган жиноятчилик сонидан бир неча мартаба кўпроқдир³.

Шу боисдан, профилактика инспекторларининг ўғрилиқ жиноятлари профилактикасини ташкил этиш ва амалга ошириш фаолиятида қуйидаги тадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш лозим;

– *биринчидан*, хизмат ҳудудида муқаддам ўғрилиқ жиноятларини содир этганлиги учун жинойи жавобгарликка тортилган ва профилактик ҳисобда турувчи шахсларнинг турмуш тарзини доимий назорат қилиш, уларнинг яқин алоқаларини ўрганиш;

– *иккинчидан*, кўп қаватли уйлар ва хонадонларга Миллий гвардия ходимлари билан ҳамкорликда кўриқлаш сигнализациялари ўрнатилишини ташкил этиш ва бу борадаги тарғибот ишларини амалга ошириш;

– *учинчидан*, қишлоқ ҳудудларида фуқароларнинг молларини қаровсиз қолдиришларини олдини олиш мақсадида улар билан мунтазам равишда тушунтириш ишларини олиб бориш;

– *тўртинчидан*, автотранспорт воситаларини пуллик сақлаш жойларини ташкил этиш юзасидан маҳаллий давлат хокимияти органларига таклифлар киритиш;

– *бешинчидан*, кўчалар ва йўлларда кечқурунги ёритиш мосламаларини тўлиқ бўлишини таъминлаш, бу борада

камчиликлар юзасидан “Электртаъминот” корхоналарига камчиликларни бартараф этиш юзасидан бажарилиши шарт бўлган тақдимномалар киритиш;

– *олтинчидан*, ўғрилиқлар энг кўп содир этиладиган ҳудудлар, хусусан, кўчалар, хиёбонлар ва бошқа жамоат жойларида кундузги ва кечқурунги янги патруль йўналишларини ташкил этиш юзасидан раҳбариятга таклифлар киритиш;

– *еттинчидан*, маҳаллада “Фидокор ёшлар” жамоатчилик патруль гуруҳларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш;

– *саккизинчидан*, доимий равишда ҳудудда назорат ва профилактик ишларни ташкил этиш, шунингдек, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш.

Хулоса қилиб, шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, профилактика инспекторларининг фаолияти хизмат олиб борадиган маъмурий ҳудудда ҳар қандай турдаги жиноят, шу жумладан ўғрилиқларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, ўғрилиқларнинг профилактикасини ташкил этиш борасида ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини чуқур таҳлил этиш, ушбу жиноятларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда ўз вақтида бартараф этишлари, ўғрилиқ жиноятларини барвақт олдини олишни таъминлайди.

³ Лунеев В.В Преступность XX века. Мировые, региональные и российские тенденции. –М., 1997.–С.125.



References:

1. Криминология. Махсус қисм: Дарслик / И. Исмаилов, Қ.Р. Абдурасулова ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 744 б.
2. Кузнецова Н.Ф. Проблемы криминологической детерминации. – М., 1984. – С.44.
3. Лунеев В.В. Преступность XX века. Мировые, региональные и российские тенденции. – М., 1997.–С.125